



e-ISSN: 2319-8753 | p-ISSN: 2347-6710

IJIRSET

International Journal of Innovative Research in
SCIENCE | ENGINEERING | TECHNOLOGY

INTERNATIONAL JOURNAL OF INNOVATIVE RESEARCH

IN SCIENCE | ENGINEERING | TECHNOLOGY

Volume 11, Issue 6, June 2022

ISSN INTERNATIONAL
STANDARD
SERIAL
NUMBER
INDIA

Impact Factor: 8.118

 9940 572 462

 6381 907 438

 ijirset@gmail.com

 www.ijirset.com



Study of International Experience in Higher Educational Institutions and Family Cooperation

Sayidova M.X.¹, Boymurodova L.²

Teacher of Chirchik State Pedagogical Institute, Uzbekistan¹

Student of Chirchik State Pedagogical Institute, Uzbekistan²

ABSTRACT article discusses the principles of studying international experience in family cooperation in higher education institutions.

KEYWORDS: family, higher education, methodology, psychology, pedagogical skills, experimentation.

ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ВА ОИЛАНИНГ ҲАМКОРЛИГИ БЎЙИЧА ХАЛҚАРО ТАЖРИБАНИ ЎРГАНИШ

Сайидова М.Х.¹

Чирчиқ давлат педагогика институти ўқитувчиси¹

Боймуродова Л.²

Чирчиқ давлат педагогика институтиталабаси²

Аннотация мақолада олий таълим муассасаларида оиланинг ҳамкорлиги бўйича халқаро тажрибани ўрганиш тамойиллари кўриб чиқилган.

Калит сўзлар: оила, олий таълим, методика, психология, педагогик маҳорат, тажриба-синов.

Оила, маҳалла ва таълим муассасаси ҳамкорлигини амалга ошириш анча мураккаб иш бўлиб, ўқитувчидан, оила аъзолари ва маҳалла фаолларидан анча вақт ҳамда катта кучни талаб қилади. Чунки мафкуравий тарғибот, ёшларни миллий истиқлол ғоялари руҳида тарбиялаш ўқитувчиларда катта ҳаммадаги билимни талаб қилади.

Ташкилий ишларни амалга оширадиган инсонларнинг ўзлари аввало миллий ғоя ва мафкура нима эканлигини билиши, уни тўғри талқин қилиниши лозим. Ҳар бир таълим муассасаси педагоги, оила аъзоси, маҳалла фаоллари қуйидаги билимларни тўла эгаллаши шарт. Биринчи навбатда мафкура нима эканлигини тушуниш лозим. Зотан, мафкура - инсон руҳияти, тафаккур ва дунёқарашнинг ўзгартирадиган кучли восита. Унинг ғоялари халқнинг ишонч - эътиқоди, интилиш ва манфаатлари ифодасига айлансагина етарлича самара беради. Шунинг учун мафкура соҳасидаги тарғибот ва ташвиқот ишларини, фуқароларнинг тушунчаси, ақл - заковати, идроки ва тафаккур даражасини инобатга олган ҳолда, сабр -тоқат билан, маърифий йўл ва усуллар орқали ёшларимиз онгига сингдириш **олий таълим профессор-ўқитувчилари** олдидаги муҳим вазифадир.

Миллий ғоя тарих фалсафаси ҳулосасининг таркибий қисмини ташкил қилади. Чунончи, ҳар бир халқ, миллатнинг ўз тарихи, яшаш шароитлари, турмуш тарзи, ўтмиши, ҳозирги кунива келажаги мавжуд. Миллий ғоя ана шу омиллар замирида шаклланади, қарор топади ва ривожланади. Миллатнинг ғояси унинг тарихий тараққиёти жараёнида шаклланади, унинг ҳаёти мазмунини, интилишларини, орзу-умидларини ифода этади. Шу мазмунда миллий ғояда миллатнинг тақдирида ҳал қилувчи аҳамиятга молик воқеа ва ҳодисалар мужассамлашади.

Хорижий давлатларнинг бир нечта олий таълим муассасаларининг оила билан ҳамкорлик жараёнлари ўрганилди. Даставвал **АҚШ нинг Небраска штатида ўтказилган Линкольн университети** тадқиқотчиси Аманда Ронненинг ишлари билан танишилди. Аманда Ронненинг тадқиқоти айнан ОТМ ва оила ҳамкорлигига қаратилган бўлиб, Колорада ҳамда Небраска штатларидаги ОТМ объект сифатида танланган. Тадқиқотларга кўра Небраска штатининг Линкольн университетида махсус **“Ота-оналар ва талабанинг оила аъзолари ва қариндошлари”** билан ишлаш маркази ташкил қилинган. Марказ биринчи фаолиятини талабаларнинг ота-оналаридан сўровнома ўтказиш билан бошлаган. “Махсус Марказ” томонидан ўтказилган сўровнома



натижалари олий таълим муассасасида талабалар билан ишни ташкил қилишга, иқтидорли талабаларни аниқлашга, талабаларни ижтимоий келиб чиқишини ўрганишга яқиндан ёрдам берган. “Ота - оналар ва талабанинг оила аъзолари ва қариндошлари” билан ҳамкорликни самарали ташкил этиш мақсадида Марказда 4 йил давомида тадқиқот олиб борилган. Бунда ҳар бир талабага индивидуал ёндошилган, ота-оналар билан турли хил тадбирлар ташкил этилган. Бу тадбирларга хатто талабаларнинг бобо-бувилар ҳам жалб этилган. Оилавий спорт ўйинлари, ёзги лагерлар, “пикниклар” оилалар билан ҳамкорликда ўтказилган. Тадқиқотнинг кўрсатишича, бу Марказнинг самарали фаолияти натижасида қуйидаги ютуқларга эришилган:

1. Талабаларни таълим олишга бўлган мотивациялари ошган
2. Талабаларнинг ўзлаштириш кўрсаткичлари 20 % ортган
3. Таълим муассасасининг имиджи ортган
4. Кўплаб ижодкор талабалар аниқланган ва улар қўшимча хунарларга йўналтирилган
5. Талабаларнинг ташаббуси билан кўплаб тўғарақлар ташкилқилинган ва паст ўзлаштирувчи талаблар билан қўшимча ишлашларига имкониятлар яратилган

Тадқиқотчи Аманда Ронненинг хулосасига кўра, бунинг натижасида эришилган энг асосий ютуқ талабанинг ота-онаси ва яқинларига бўлган муносабати ва ишончидир.

Канаданинг **Ватурлоо Университети**да 1 босқичга ўқишга қабул қилинган талабаларнинг ота-оналари билан **“Биз сизлар билан фарзандларингизни қўллаб-қувватлаш учун ишлаймиз”** шиори остида иш олиб борилади. Ота-оналар фарзандларини ўқув жараёнини назорат қилишининг on-line тизими йўлга қўйилган бўлиб, ўқув жараёни, турли хил тадбирлар on-line тарзда тахсил олаётган талабанинг оиласи томонидан назорат этиб борилади. Ота-оналар фарзандларини ўзлаштириш кўрсаткичларини талабанинг шахсий портфолиоси орқали назорат этиб бориш имкониятига эга. Ота-оналар ва деканат ҳамкорликда талабаларни фаолиятини назорат этиб борадилар. Ота-Она + Деканат + Талаба концепцияси ишлаб чиқилган ва шу тизим асосида иш олиб борилади.

Шубилан бирга, ушбу олий таълим муассасасида илмий-амалий конференциялар ота-оналар билан ҳамкорликда ўтказилиши ҳам йўлга қўйилган. Ота-оналарни олий таълим муассасаси ҳақидаги фикрларни билиш мақсадида ҳар ўқув йили якунида сўровномалар олинади ва уларнинг натижалари матбуотда эълон қилинади. Бу эса олий таълим муассасасининг имиджига бевосита таъсир кўрсатади.

REFERENCES

1. Каримов И.А. Миллий истиқлол мафкура - халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончидир. Тошкент: Ўзбекистон, 2000 й, 12-13 бетлар.
2. Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги қонун 2016 йил 14 сентябрь, ЎРҚ-406-сон.



INNO SPACE
SJIF Scientific Journal Impact Factor
Impact Factor: 8.118



ISSN INTERNATIONAL
STANDARD
SERIAL
NUMBER
INDIA



INTERNATIONAL JOURNAL OF INNOVATIVE RESEARCH

IN SCIENCE | ENGINEERING | TECHNOLOGY

 **9940 572 462**  **6381 907 438**  **ijirset@gmail.com**



www.ijirset.com

Scan to save the contact details